Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 21 AVGUST ◆ SESHANBA ◆ № 98-99 (26.801)

ХДП ХАБАРИ

ИМКОНИЯТЛАР ДАРАЖАСИДА ИШЛАЙЛИК!

17,18 август кунлари Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти партия ташкилотлари негизида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши уюштирган семинар-кенгашларнинг охиргилари бўлиб ўтди. Уларнинг иштирокчилари – мазкур партия ташкилотлари кенгашлари ижроия бюроларининг аъзолари, шаҳар ва туман партия кенгашлари ҳамда йирик бошланғич партия ташкилотлари котиблари, ХДПдан сайланган депутатлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари – Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўн йиллиги ва партия ташкилотларининг долзарб вазифалари тўғрисидаги маърузасини тингладилар. Маърузачи мустақиллик йилларида республика Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда юз берган тарихий ўзгаришлар ва уларда партиямиз аъзоларининг ҳиссаси хусусида гапириб, партиядошларни ислоҳотларда янада фаолроқ иштирок этишга, мазкур партия ташкилотларида мавжуд бўлган бой имконият, катта салоҳиятдан самарали фойдаланишга даъват этди.

ХДП Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент вилоят кенгашлари биринчи котиблари Л.Ғуломов ва С.Аъзамов давлатимизнинг бош байрами муносабати билан, шунингдек, партиянинг III қурултойи, МКнинг III пленуми қарорларини бажариш юзасидан жойларда олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот бердилар.

Семинар-кенгашларнинг, МК масъул ходими С.Усмонов олиб борган, иккинчи қисмида айрим ички партиявий муаммолар хусусида мулоқот бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳридаги семинарда Ўзбекистон ХДП МК котиби И.Кочмарик иштирок этди. Пойтахт вилояти партия ташкилоти негизидаги кенгашда Тошкент вилояти ҳокимининг муовини А.Раҳимбердиев сўзга чиқди, мазкур вилоят ҳокими муовини Ш.Шоюнусов қатнашди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

АНЖУМАН

САРҲИСОБ, ТАҲЛИЛ, МОҲИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Аҳтам Турсунов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқотда бўлди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ўз фаолиятини саккиз йўналишда олиб бормоқда, деди қўмита раиси ўзининг кириш сўзида. Булар — қонунчилик фаолияти, қонунлар ижросини ўрганиш, тарғибот-ташвиқот, услубият, давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик, фуқароларнинг мурожаатлари, ариза ва шикоятлар билан ишлаш, Олий Мажлисга қонунлар лойиҳасини тайёрлаш, сессияларда иштирок этиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишдир. Ўтган давр мобайнида қўмита томонидан 18 та қонун лойиҳалари тайёрланиб, Олий Мажлис сессияларига киритилди ва қабул қилинди. Айни пайтда янги қонунлар лойиҳаси устида қизғин изланишлар олиб борилмоқда.

Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг қонунлар ижросини назорат қилиш ва таҳлил этиш юзасидан анча самарали фаолият кўрсатганлиги таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунларининг Хоразм, Андижон, Тошкент, Сирдарё ва Наманган вилоятларидаги ижроси ўрганилиб, шу фаолият билан боғлиқ мутасадди идоралар иштирокида муҳокама қилинди. Қонунлар ижроси юзасидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, тегишли жойларга юборилди. Бундай тадбирлар бошқа бир қатор қонунлар юзасидан ҳам ўтказилди.

Мамлакатимизнинг мудофаа ва хавфсизлик тизимини мустаҳкамлаш, ҳарбий ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида қўмита томонидан турли масалаларга бағишланган семинар машғулотлар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилганлиги диққатга моликдир. Чунончи, 2001 йил февраль ойида қўмита томонидан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Мудофаа тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси юзасидан семинар машғулоти ўтказилди. Мазкур семинарда манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари мутахассисларини жалб қилиб, қонун юзасидан фикр ва мулоҳазалар муҳокама қилинди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган қўмита фаолиятига доир кўплаб саволларга жавоблар қайтарилди, шунингдек, мудофаа ва хавфсизлик масалаларига дахлдор идораларнинг масъул ходимларидан тегишли маълумотлар олинди.

■ **Норбобо ШАКАРОВ**

МАҚСАДИМИЗ – БУНЁДКОРЛИК



Наманган вилояти Поп туманидаги том ёпиш ширкат корхонасида бугунги кунда икки юздан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Асосан қурилиш-таъмирлаш билан шуғулланувчи мазкур корхона ўзининг ғишт ва асфальт тайёрлаш заводларига, маҳалла гузари ва шинам боғига эга. Айни кунларда корхона маблағи ҳисобидан туман марказида замонавий шарқ меъморчилигини ўзида мужассамлаштирган «Оталар чойхонаси» бунёд этилмоқда. Мазкур иншоот мустақилликнинг ўн йиллиги шодиёналари арафасида фойдаланишга топширилади.

Суратларда: *корхона бошлиғи Усмонжон Имомназаров; пастда (чапдан) ишчилар Ҳалима Тиллабоева, Муқаддаси Йигиталиева, Дилафрўз Валиева, Хидоят Ортиқова; қурилиш ишларидан лавҳалар.*

■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

«ИНТЕР-ДЖИНС» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

Германиядаги «Мессе Кельн» («Кёльн ярмаркаси») кўргазмалар залида «Интер-Джинс» эркаклар замонавий кийимлари ҳафталиги Кёльн халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

1958 йилдан буён йилда икки маротаба ўтказиладиган мазкур кўргазма том маънода умумжаҳон модалар форуми номини олган.

Бу йил ушбу тадбирга дунёнинг 91 мамлакатидан 36 минг нафар мутахассис ташриф буюрди. Форумда 967 фирма ва компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Улар орасида «Lagerfeld», «KARLO KONTI», «Bugatti», «DIGEL Menswear», «Versace», «Ive Sen Loran», «Franseco- MEDICI», «ROY ROBSON», «Pierre Carden», «Emani», «Dressler», «WEIDENMAN», «Barutti», «CHRIST», «Strellson», Eres men», «Scabal» сингари жаҳонга машҳур компаниялар бор.

«Интер-Джинс» кўргазмасида мамлакатимиз вакиллари ҳам қатнашди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, ёш ўзбек дизайнерларининг эркаклар ва аёллар замонавий либослари коллекциялари ҳам кўргазма иштирокчиларини бефарқ қолдирмади. Хорижлик мутахассислар ўзбекистонлик ҳамкасблари намойиш этган моделлардаги ўзига хос шарқона услубларни юқори баҳолашди.

Техникавий ҳамкорлик бўйича Германия жамиятининг Тошкент бюроси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Берлиндаги элчихонаси саъй-ҳаракатлари билан «Ўзбекистон экспорти ривожига кўмаклашиш» дастури доирасида мамлакатимиз дизайнерлари ушбу халқаро форумда иккинчи маротаба ўз ишларини намойиш этишди.

Тадбир ўзаро ҳамкорлик юзасидан учрашув ва музокараларга бой бўлди.

■ **«Жаҳон» АА**

ИСТИҚЛОЛ МУШОҲАДАСИ

Истиқлол байрами олдидан республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда «Тафаккуримизни ўзгартирган ўн йил» мавзуидаги илмий-амалий семинарлар ташкил этди. Унинг навбатдаги йиғилишлари Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтди.

Улардан кўзланган бош мақсад истиқлолнинг ўтган ўн йили сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотлар даври бўлганлиги, амалга оширилаётган эзгу ишлар, юз бераётган ўзгаришлар, кўплаб янгиланишлар, барпо этилган мустақил давлат ва ҳуқуқий-демократик жамиятнинг туб моҳиятига етиш лозимлигини омма онг-тафаккурига сингдиришдан иборат. Бунинг учун мулоҳаза-мушоҳада, муҳокама-мунозаралар, одамларнинг ўзаро бевосита учрашув-мулоқотлари зарур.

Шундай учрашувларда республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг жамоатчи тарғиботчилари билан бирга жойлардаги воизлар, шунингдек, жамоатчилик вакиллари ҳам сўзлади, пойтахтдан борган ва вилоятларда ижод қилаётган шоирлар янги давр шеърларидан намуналар ўқиб берди.

Атрофлича муҳокамалар, қизғин савол-жавоблар билан ўтган бу учрашувлар кишиларда Ватан ва истиқлол учун масъуллик туйғуларини кучайтириши табиий.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН

Амударё... Қадимдан аждодлар уни турли даврларда турлича номлар билан аташди: Оксус, Веҳруд, Гютуй, Жайхун... Айтинг, дунёда қайси бир дарё бунчалик серном? Қолаверса, башариятнинг улуғ мамлакатлари, маданият ўчоқлари бўлган кўҳна Термиз, Чағониён, Бақтрия, Тоҳаристон, Будрач, Шеробод сингари масканлар ҳақида қанчадан-қанча тарихий маълумотларни келтириш мумкин. Айтишларича, Ҳиндистон сафари арафасида термизликлар оқ фотиҳасини олгани келган соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам Шаҳристонда кўҳна қабристонни айланиб юриб, эсон-омон қайтсам авлиё Термизий қабрини обод зиёратгоҳ жойга айлантираман, дея ният қилган экан. Бунга Темур бобомизнинг ўзи улгурмади, ўғиллари Шоҳруҳ Мирзо ота ваъдасини ижобат этади.

Қутлуғ 2500 йиллик тўйига ҳозирлик кўраётган Термиз шаҳрида бугун амалга оширилаётган ишларни кўриб кўзингиз қувонади. Бир пайтнинг ўзида ўттизта объектда ободонлаштириш, таъмирлаш ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу хайрли ишларда 2700 га яқин қурувчи қўлиқўлига тегмай меҳнат қилмоқда.

Термизнинг қоқ марказида, шундоқ вилоят ҳокимлиги биносининг рўпарасида бош фаввора шаҳар кўркини очиб юборди. Бир неча ўн йилларки, шаҳардаги Бобур номли истироҳат боғи қаровсиз жойга айланиб қолганди. Бугун ана шу боғ ҳам таниб бўлмас даражада обод бўлмоқда. «Фестивалний», «Юбилейний», «Привокзалний», «Шестнадцатий» каби атамалар билан номланган жойларда ҳам миллий атамаларимизга хос номлар қўйилиб, чиройли хиёбонлар, боғроғлар яратилмоқда.

Шаҳарнинг бош дарвозаси — Термиз йўл бекати қурилиши якунланай деб қолди. Бир соатда 500-600 йўловчини қабул қиладиган янги бекат қутлуғ тўй арафасида ишга тушади.

Шаҳардаги энг гўзал жойлардан бири «Алпомиш» боғидаги амфитеатр қурилиши учун қарийб 1 миллиард сўм маблағ ажратилган. Бу улкан санъат кошонасини нафақат вилоят қурилиш ташкилотлари қурувчилари, балки Самарқанд, Хоразмдан келган моҳир усталар ҳамкорликда шарқона усулда таъмирламоқда.

Марказий Осиёда ягона археология музейи ҳам мураккаб муҳандислик ечимлари билан қурилмоқда. Бунда «Сурхондарёқурилиш» ҳиссадорлик жамияти — бош пудратчи. Ҳатто Чирчиқдаги «Промтехмонтаж» бошқармасидан ҳам келишган қурувчилар ўз меҳнатларини шаҳарнинг қутлуғ тўйига тўёна деб билмоқдалар.

Ал-Ҳаким ат-Термизий бобомиз зиёратгоҳлари қошида Термизийлар тарихий музейи қурилаётганини, Термиз шаҳрига унча узоқ бўлмаган жойда жойлашган Қирққиз, Султон-саодат каби тарихий обидалар таъмирланаётгани, обод жойларга айланаётганини кўрган ҳар бир юртдошимизнинг юраги фахрга тўлади.

Бундай қутлуғ ишларни рўёбга чиқариш учун саховатли кишилар, ташкилотлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Масалан, вилоят «Пахтасаноат» ҳиссадорлик жамияти раиси Ф. Бобоев Шерободдаги Исо ат-Термизий ҳазратлари мақбарасини янада обод қилиш учун самарқандлик усталарни олиб келиб, қутлуғ зиёратгоҳни таъмирлашда ҳиммат кўрсатди. «Шўрчи дон маҳсулотлари», «Жарқўрғонтекстиль» сингари корхоналар ҳам бундай хайрли ишларда ўз ҳиссаларини қўшишяпти.

Ҳа, Термиз ўзининг қадимий бўй-бастини тиклаб бориш баробарида замонавий шаҳарсозлик андозаларини ўзида мужассам этаяпти.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг ва республика Вазирлар Маҳкамасининг шаҳарнинг 2500 йиллик тўйини нишонлашга доир махсус қарорларига кўра, қадимий Сурхон юрти қутлуғ тўйидан бурун мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллик байрамига ҳам қизғин тайёргарлик кўраяпти.

Ҳеч муболағасиз шуни айтиш мумкинки, Сурхондарёнинг ҳар бир туман, шаҳрида, қишлоқларда ўзгача кўтаринкилик, фаоллик.

Сўзимизнинг аввалини Термиз тарихи ҳақида бошлаган эдик. Шу мақола якунида ҳам Термиз тарихи ҳақида, аниқроғи, бу юртнинг яна бир сеҳрли гўшаси ва унда хоклари ётган улуғ бир авлиё ҳақида икки оғиз тўхталмоқчимиз.

Мир Муҳаммад Ҳофизи Таниш Бухорий ўзининг «Абдуллонома» асарида Моровуннаҳр ва унинг шаҳарларига сифат бераркан: «Авлиё ва саҳобалар макони жаҳондаги оқар сувлар ғайир қиладиган дарё лабидадир», — деб таърифлайди.

Бу дарё шаксиз Амударёдир. Лекин гап ҳозир ана шу дарё ўртасидаги орол ҳақида. Кўпам ёзилавермайдиган, эсланавермайдиган бу орол «Пайғамбар ороли» деб аталади.

Бир пайтлар оролда одамлар яшаган. Бу гўша ҳақида турли ривоятлар бор. Аммо ҳозир кимсасиз орол ўртасида қад кўтариб турган пишик ғиштли иморат — мақбарани кўриш мумкин. Бу Зулл Кифл мақбараси. Зулл Кифл дегани нима? Арабчада айнан, зулл — ҳақирлик, фақирлик; кифл — улушли, ҳиссали, яъни бирон фақирона ҳиссаси бор, деган маънони англатади. Академик В. Бартольд мазкур мақбара ҳақида: «X асрда Кифл қуръоний ривоятларга боғлиқ зиёратгоҳ жой бўларди. Дарёнинг чап соҳилидаги бу жойни Зулл Кифл работи, деб аташарди. Фақир ҳиссали Зулл Кифл пайғамбар бўлиб, унинг номи Қуръоннинг XXI сура 85-мисраси ва XXXVIII сура 48-мисрасида қайд этилган. Уни Илёс, Осиё ёки Закариё пайғамбарга нисбат беришади. Кейинчалик унинг қадамжойи хилватгоҳ Пайғамбар оролига кўчирилди».

Биз бу маълумотларни сурхондарёлик ёзувчи, марҳум адиб Менгзиё Сафаровнинг «Пайғамбар ороли» деб номланган асаридан ўқиб, яна бир нарсага имон келтирамиз. Табиат учун инсон излари энг ёш излардир. Бизлар ёши миллион йиллар билан ўлчанадиган она замин фарзандларимиз.

Бугунги кунда «Термиз ота» мақбараси пойида, Амударёнинг қўйнидаги бу табиат хилхонаси — «Пайғамбар ороли» давлат қўриқхонаси сифатида муҳофаза этилади.

Ҳа, тупроғи зар, тарихи қадим, келажаги буюк юртимизнинг борлигига шукр, десак арзийди.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ИНТЕРНЕТда ҲУЛКАРнинг тилаги

«Қашқадарё» вилоят газетаси анчадан буён «Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида дилингиздан қандай ўйлар кечмоқда?» сўровномасини ўтказмоқда. Рўзноманинг 8 август сонида Германиядаги Дрезден университети фалсафа факультети талабаси Ҳулкар Норқобилованинг жавоблари эълон қилинди. Ҳулкар шу газетада ишлаган, танлов ғолиби сифатида хорижий илм масканига ўқишга кетганди.

«Бу ердаги дўконларда мевалар сероб — шафтоли Голландияники, қовун-тарвуз Испаниядан, узум португаллар маҳсулоти. Уларга кўз қиримни ташлар эканман, ўзбек деҳқони етиштирган меваларга тенг келадиган йўқ, деб ўзимча ғурурланиб қўяман... 1 сентябрь куни улуғ байрамимизни бу ердаги ўзбек ёшлари билан шод-хуррамлик билан нишонлаймиз. Юртимиздан авайлаб олиб келганимиз — Ўзбекистон байроғи даврамизга зеб бериб туради. Ниятим — Ўзбекистонимизни Германия сингари ривожланган давлатлар қаторида кўриш.

Ҳулкар эзгу тилакларини Германиядан Интернет орқали жўнатибди рўзномага. Не ажабки, Шому Ироқ бир қадам бугун.

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ҲОКИМДА ГАП КЎП

Мирзачўл туманига янги ҳоким келди. Келди-ю, ишни деҳқончиликдан эмас, балки одамларнинг руҳиятини ўрганишдан, маънавият ва маърифатга, тозалик ва ораста-ликка эътибордан бошлади. Бўлар-бўлмас йиғилишлар камайди, меҳнат ва ижро интизоми мустаҳкамланди. Қизиғи шундаки, катта-кичик раҳбарлар, умуман фуқаролардаги лоқайдлик, бефарқлик ўрнини ишчанлик кайфияти, масъулиятни ҳис қилиш, фидойилик эгаллай бошлади.

Янги ҳоким ишга келгандан сўнг бир неча кун ўтгач, матбуот нашрларига обунанинг аҳволи билан қизиқди. Қарасаки, туман газетасига бор-йўғи 200-300 та, вилоят газетасига бундан ҳам кам, республика газеталарига эса бармоқ билан санарли даражада обуна бўлинган. Навбатдаги йиғилишда бу масалада ҳоким кўпчиликнинг кўз олдида намуна кўрсатди: туман ҳамда вилоят газетасига ва бир нечта марказий нашрларга шахсан обуна бўлди, барча раҳбарларни, фаолларни газета ўқишга, янгиликлардан, дунё воқеаларидан бохабар бўлишга чақирди. «Сизлардан кўпроқ шуларни сўрайман, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий билимингизни, маънавиятингизни синайман», — деди у.

Бунинг натижаси тез орада кўзга ташланиб қолди. Йилнинг сўнгги чораги учун туман газетасига 1000 киши, вилоят газетасига 500 киши, республика газеталарига ҳам 30-50 тадан обуна расмийлаштирилди.

Яна бир гап. Янги ҳоким иш бошлагач, туманда тозалик ва ободончилик ишлари ҳам юришиб кетди. Рухсат этилмаган жойларга чиқинди ташлаш ҳолларига барҳам берилди. Ахир, озодалик ва ораста-ликка нима етсин?!

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 21 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	211,84	10 Люксембург франки	94,15
1 Австрия шиллинги	27,60	1 Малайзия ринггити	109,04
1 Англия фунт стерлинги	598,86	1 Германия маркаси	194,19
10 Бельгия франки	94,15	1 Польша злотийси	96,70
1 Голландия гульдени	172,34	1 СДР	531,73
10 Греция драхмаси	11,15	1000 Туркия лираси	0,31
1 Дания кронаси	51,03	1 Финляндия маркаси	63,88
1 БАА дирхами	112,82	1 Франция франки	57,90
1 АҚШ доллари	414,35	1 Швейцария франки	250,24
1 Миср фунти	98,19	1 ЕВРО	379,79
10 Испания песети	22,83	10 Жанубий Корея вони	3,25
100 Италия лираси	19,61	10 Япония иенаси	34,41
1 Канада доллари	268,55	1 Россия рубли	14,11
1 Хитой юани	50,06	1 Украина гривнаси	77,48

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ХАЛҚ БАНКИ — ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС!

Президентимиз Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижросини таъминлашга ҳамда ўзининг ривожланиш стратегиясини универсаллашув йўналишида амалга ошираётган давлат-тижорат Халқ банкининг барқарорлиги ва ишончлилигини таъминлашда, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишда жисмоний ва юридик шахсларга кенг кўламли банк хизматлари кўрсатиш учун йўналтирилган тадбирлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг биринчи ярми давомида банкнинг жами капитали йил бошига нисбатан 31,6 фоизга, ресурс базаси эса 25,8 фоизга ошди. Бу кўрсаткич банкнинг кредит бериш имкониятлари кенгайганидан далолат.

Халқ банки томонидан 2001 йил I ярим йиллигида кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш жараёни амалга оширилиб, ажратилган қисқа ва ўрта муддатли кредитлар ҳажми жорий йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 21,2 баробарга ортди. Хўжалик субъектларига берилган кредитлардан фойдаланиш натижасида бир неча юзлаб қўшимча ишчи ўринлари яратилди.

Банк кредит портфелидаги жами кредитларнинг 63,5 фоизи қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасига йўналтирилган кредитларни ташкил этиб, бу ҳам қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотларда Халқ банки ўзининг ҳиссасини қўшиб келаётганлигидан дарак беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурига бевосита кўмак бериш бўйича банк томонидан «Абитуриент» кредити жорий қилинган бўлиб, ҳисобот даври давомида 133 нафар талаба билан имзоланган шартномаларга асосан 17,8 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилди. Бу турдаги берилган кредитлар ҳажми 36,6 млн. сўмга етказилди.

Халқ банки бу борада бошланган хайрли ишларни давом эттирган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 26 июлдаги 318-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан 27 июлдан бошлаб «Талаба» узоқ муддатли кредитлари амалиётга жорий қилинди. Шунингдек, 1 августдан бошлаб, «Таҳсил» қисқа муддатли таълим кредитлари мижозларга таклиф этилди.

Бу кредитнинг жорий қилиниши билан Халқ банки кредитларидан нафақат олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган, балки турли мулкчилик шаклига асосланган ўқув муассасалари, «Ватанпарвар» жамият ўқув марказларида билим олаётган республикамиз ёшлари ва фуқаролари фойдаланиши учун имконият яратилди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг банк кредитларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, уларга молиявий имкониятлар яратиш, уй-жой қурилишини рағбатлантириш борасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 31 мартдаги «Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 175-сонли қарорининг ижроси юзасидан Халқ банкининг узоқ муддатли имтиёзли кредит маҳсулотлари республикамиз аҳолисига таклиф этиб келинмоқда. Шу йилнинг ўтган 6 ойи давомида якка тартибда уй-жой қурилиши мақсадлари учун 184,6 млн. сўм миқдоридаги узоқ муддатли кредитлар берилиб, ушбу кўрсаткич 2001 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 123,7 фоизга ортди ва бу турдаги жами кредитлар қолдиғи 592 млн. сўмга етказилди.

Банкнинг кредит салоҳияти ва унинг самарадорлигини таъминлашда мустаҳкам кредит ресурслари базасини яратиш йўналишларида жамғарма ишини ривожлантириш, депозит базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишни рағбатлантириш сиёсати тубдан ўзгарганлиги натижасида жорий йилнинг биринчи ярми давомида депозитларга жалб қилинган маблағлар миқдори йил бошига нисбатан 26,1 фоизга ўсди.

Бу соҳада таҳлилий маълумотларга асосланган ҳолда аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш бўйича аниқ стратегик режалар жорий қилинди. Таъкидланган режага асосан жамғармалар бозоридаги талаб ва таклиф ҳамда инфляция кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда янги омонат турларини жорий қилиш ва омонатлар бўйича фоиз ставкаларини белгилаш орқали Халқ банкининг аҳоли омонатлари салмоғи бўйича тижорат банклари ўртасидаги салоҳиятини сезиларли даражада ошириш йўналишида иш олиб борилмоқда.

Бўш маблағларни банк фаолиятига жалб қилишнинг кейинги босқичида аҳолининг қимматли қоғозлари, молмулки ва бошқа қимматликларни сақлашга оид сейф операцияларини амалиётга татбиқ этиш борасида ишлар ташкил қилиниб, банк хизматлари бозорининг мазкур сегментида Халқ банкининг ўзи хос услубини яратиш режалари бор.

Бу муомалаларнинг амалиётга жорий қилиниши учун ҳозирги куннинг ўзидаёқ замин яратилган. Халқ банкининг туман ва шаҳар бўлимларида 6094 ячейкали 139 та «Сезам» сейфлари аҳоли хизматлари учун тавсия этилмоқда.

Банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланган хорижий валюта билан ишлаш амалиётида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилишида тизимда мавжуд 222 та валюта айирбошлаш шаҳобчаларидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Халқ банки республикамиз банк тизимида йирик банклардан бири эканлиги, унинг кўп йиллик иш тажрибаси, кенг тармоқли, яъни 5266 та банк муассасаларига эга эканлиги, унинг омонатчилари олдидаги мажбуриятини давлатимиз ўз кафолатига олганлиги ва энг асосийси халқимизга хизмат қилишдек юксак масъулият ишониб топширилганлигини ҳис қилган ҳолда, ўз фаолиятини ташкил қилган.

Ҳозирги кунда банк универсаллашув ва тижоратлашув сари дадил қадам қўйиб, жисмоний шахслар билан бир қаторда ҳуқуқий шахсларга кўрсатилаётган банк хизматлари савиясини тубдан яхшилаш ва уларнинг турларини кенгайтириш эвазига хизмат кўрсатилаётган тармоқлар сонини кўпайтириш, корпоратив мижозлар, корхона ва ташкилотлар, муассасалар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес субъектларига Халқ банкининг туман ва шаҳарлардаги бўлимлари, шаҳобчалар ва минибанклари орқали хизматлар кўрсатилишини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

■ **Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ХДП ҲАЁТИ

ПАРТИЯ САФИ КЕНГАЙДИ

Куни кеча Тошкент шаҳри Сирғали туманида жойлашган 13 кўприк қурилиш бошқармасида мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди.

Бошқармадаги 300 га яқин ишчи қатнашган тадбирда бошқарма раҳбари Дониёр Болусов сўзга чиқиб, ҳаммани байрам муносабати билан табриклади. Шунингдек, тантанали тадбирда ХДП сафига кирганларга Сирғали туман Кенгаши ходимлари томонидан партия гувоҳномалари тантанали равишда топширилди. Қатор партия фахрийларига эса туман кенгаши номидан байрам эсдалик совғалари улашилди.

■ **Зуҳра ҲАКИМОВА, ЎзХДП Сирғали туман Кенгаши масъул ходими**



Зафарободликлар 2001 йил пахта ҳосилини қисқа муддатларда исроф қилмай йиғиб-териб олиш учун пухта тайёргарлик кўришган. Бу борада туман машина-трактор парки акциядорлик жамияти жамоаси томонидан амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор.

Суратларда: *«Кейс — 2022» русумли пахта териш комбайни бошқарувчиси Абдулазиз Равонов; пастда эса мавсумга шай комбайнлар.*

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

КОСОНЛИК ОЙБАРЧИНЛАР

Қашқадарёлик полвонларнинг довруғи таралганлиги рост. Воҳа эндиликда ўзининг курашчи қизлари билан ҳам фахрланади. Суратдаги мана бу қизлар Косон туманидаги Берди Ниёзов номли 71-ўрта мактабнинг ўқувчилари Чарос Эшмуҳамедова билан Қундуз Жўраевалардир. Улар «Соғлом авлод учун» жамғармаси соврини учун ўсмирлар ўртасида кураш бўйича Термиз шаҳрида ўтказилган республика турнирида иштирок этиб, олтин ва бронза медални қўлга киритганлар.

Аввало уларнинг бу натижаларга эришишига бир неча йил илгари тамал тоши қўйилганлигини айтиб ўтиш жоиз. Мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Пўлат Омонқулов 1987 йили мактаб директори Тўлғаной Бобоқуловага курашчи қизлар тўғараги тузмоқчи эканлигини айтди. Бу директорга маъқул тушди. Бироқ дастлаб қишлоқда бирорта ҳам ота-она уларнинг бу фикрларини маъқулламади. П. Омонқулов биринчилардан бўлиб ўзининг қизини тўгаракка тортди. Сўнгра яна бир-икки нафар қиз қўшилди. Ишлар жонлана бошлади. Дзюдочи қизлар аста-секин туман, вилоят кўрик-танловларида қатнашиб, муваффақиятларни қўлга кирита бордилар.

1991 йилда Қўқон шаҳрида ўтказилган республика ёшларининг спорт ўйинлари мусобақаларида Лайло Рўзиқулова, Баҳор Омонқулова, Таня Берёзовалар учинчи ўринни олган бўлсалар, 1996 йили Бухоро шаҳрида кураш бўйича ўтказилган республика чемпионатида оддий қишлоқ қизи Зилола Раҳматова биринчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон чемпиони бўлди. Бундан ташқари ўша йили курашчи қизлардан икки нафари Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди. 1997 йили Самарқанд ва Хоразм шаҳарларида ўтказилган мусобақада Фазилат Омонқулова ёшлар ўртасида чемпион бўлган бўлса, Сетора Жуманазарова, Дилфуза Халилова, Дилафрўз Рўзиева, Дилфуза Раҳматовалар республика терма жамоаси аъзолигига қабул қилиндилар.

Хуллас, бу саналарни ҳали яна узоқ давом эттираверишмумкин. 1998 йили Москва шаҳрида ўтказилган биринчи жаҳон ёшлари ўйини, 1999 йилда Туркиянинг Анқара шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда қатнашиб, уч нафар қиз фахрли ўринларни эгаллаб келгани-ю, 2000 йилда Марина Қодированинг Испанияда ўтказилган самбо кураши бўйича жаҳон чемпиони деган шарафли номни қўлга киритганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда бу қизлар орасида бронза, олтин медаль соҳибларидан тортиб, жаҳон чемпионлари, қора белбоғ соҳибларигача топилади. Ҳозир 40 дан ошиқ қизлар спортнинг кураш тури билан шуғулланмоқдалар. Айни пайтда олти нафар қиз 23-29 август кунлари курашнинг самбо тури бўйича ўтказиладиган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўрмоқда.

■ **Абдурасул ПАРДА**

✧✧✧

Суратда: *мактаб директори Т. Бобоқулова бронза ва олтин медаллар соҳиблари Чарос Эшмуҳамедова, Қундуз Жўраева ҳамда уларнинг устози Пўлат Омонқулов билан суҳбатда.*

Муаллиф олган сурат

ШАҲАРГА ҚИЁС «ШЎРКЎЛ»

«Шўркўл» ширкат хўжалиги қоракўлчилик туманидаги Конимехнинг Ғиждувонга туташ энг олис ва чекка қишлоғидир. Бу хўжаликда айни кезда 1141 оилага уюшган 5767 нафар аҳоли яшайди. Мустақиллик шарофати билан кичик бир қишлоқ агрошаҳарча қиёфасига етди. Хўжалик бошқаруви янги бинога кўчиб ўтди. Бу ерда, шунингдек, янги мактаб, қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Энг қувончлиси — истиқлол марҳамати билан олис қишлоққа табиий газ етиб келганидир. Ҳозирда хўжаликнинг Янгиобод, Деҳқонобод қишлоқларидаги 750 та хонадонда зангори олов ёнаяпти. Мустақилликнинг 10 йиллигига уйғун тарзда бу хўжаликда, яъни 100 та хонадон беминнат ёқилғига эга бўлди. Бундан ташқари, 28 километрга сув қувурлари ётқизилиб, «Шўркўл» тоза ичимлик суви ҳам олиб келинаяпти.

— Бўрдоқичилик, ғаллачилик, сабзавот ва полизчиликни муттасил юксалтираверсак, иқтисодий устуворлик янада ортади, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Избосар Сарсенов. — Бу эса шаҳар қиёфасини олаётган «Шўркўл» учун ободончилик ва бунёдкорлик демакдир.

■ **Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

ЎН БИР МИНГ СЎМГА ЎН ЙИЛ

ЖИНОЯТНИНГ ФОШ ЭТИЛИШИДА ЖИНОЯТЧИНИНГ ШЕРИГИ ТЕРГОВГА ҲАМ, СУДГА ҲАМ ЧАҚИРИЛМАДИ

Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси тергов бўлими терговчиси, милиция катта лейтенанти Рустам Курбоновнинг бир жиноят бўйича айблов хулосасида 1976 йил туғилган Санжар Хидиров, 1977 йилда туғилган Умед Юсупов ва Улуғбек Қамбаровларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддаси, 3-қисми, «В» банди билан айб қўйилган. Жиноят тафсилоти беш варақка жо қилинган. Айблов матнига кўз югуртирамиз:

«Жиноят бўйича олиб борилган дастлабки тергов материалларига кўра Хидиров Санжар Масудович ўзганинг мол-мулкини босқинчилик йўли билан қўлга киритиш мақсадида Юсупов Умед Фурқатович ва Қамбаров Улуғбек Абдурауфовичлар билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ шахс бўлиб, 2001 йил 4 март куни кеч соат 20.30 ларда Самарқанд шаҳар, У. Турсунов кўчаси 100-уйда яшовчи Морозов Игорнинг уйига эшигини бузиб, ғайриқонуний равишда бостириб кириб, унга ҳужум қилиб, қўл ва оёқлари билан уриб, ундан пул талаб қилиб, пичоқ билан қўрқитиб, баданига енгил тан жароҳати етказиб, унинг уйидан ҳар бири 500 сўмдан жами 5000 сўмлик бўлган аудио кассеталарни босқинчилик йўли билан қўлга киритиб, воқеа жойидан кетаётганларида милиция ходимлари томонидан ушланган». Жиноят тафсилоти ана шу.

Лекин гувоҳлар тергов жараёнида ҳам, Боғишамол туман жиноят ишлари бўйича суд раиси Тўлқин Эсонов раислигида ўтган судда ҳам девор ортида қолганлигини айримлар эътироф этишмоқда. Масалан, жиноят ишига дахлдор Света Семенюкнинг тергов ҳамда судга на гувоҳ, на айбланувчи сифатида чақирилмаганлигини тушуниш қийин. Ажабланарлиси, буни Светанинг онаси тушунмаяпти... Жабрланган Игор Морозов воқеа содир бўлган 4 март куни эмас, 6 март куни тиббий экспертиза кўригидан ўтказилган. Бу шубҳали эмасми?! Тергов ва суд жараёнидаги бундай бепарволиклар айбланувчилар, ота-оналари ҳамда қариндош-уруғларида норозилик уйғотди.

«Биз бечора ва оддий кишиларнинг бутун умидимиз сизлардан, — дея таҳририятнинг вилоятдаги қабулхонасига ёзма мурожаат қилишди онаизорлар — Меҳринисо Юсупова ва Роҳила Қамбаровалар. — Санжар Хидиров ошпаз, шаҳар қаҳвахоналарида шартнома асосида ишлайди. Унинг таниши Света Семенюк бир пайтнинг ўзида икки жойда — қаҳвахонада хизматчи ва «Адветителя 7-дня» мачит храмида ишлайди. У синглиси ва онаси билан шу ерда яшайди.

Санжар Хидиров ўз жамғармасидаги 11000 сўм пулни Света Семенюкка сақлаш учун бериб қўяди. Света эса пулни мачитда — яшаш жойида сақлайди. Бунга гувоҳлар бор. Ўн бир минг сўм пулни Игор Морозов мачитга ибодатга келиб ўғирлайди. Игор томонидан бундай ўғирлик шу мачитда бир неча бор содир этилган. Игор Морозов ва Света Семенюклар бир-бирлари билан Маржонбулоқ қўрғонида қўшни яшаган. Бир-бириниузоқ йиллардан бери яхши билишади.

Игор Морозов Самарқандга келган пайтларида 4-милиция бўлимида йўриқчи бўлиб хизмат қилган. Самарқанд шаҳар У. Турсунов номли кўча 100-уйда яшаган. Ҳозир бу уй хароба ҳолда, битта эски диван ва стеллаждаги, идиш-товоқлар(4-5 та)дан бошқа ҳеч вақо йўқ. Наҳотки, фарзандларимиз терговчи айблагандек хароба жойга босқинчиликка кирган бўлса? Мол-дунёси ошиб-тошиб ётган уй бўлганда биз ҳам фарзандларимиз ёшлик қилибди, дердик. Тақдирга тан берардик. Ҳеч вақоси йўқ уйга босқинчиликка кирди, дейиш ҳеч ҳам ақлга тўғри келмайди. Ё, алҳазар!»

Айтишларича, воқеа бундай бўлган экан. Света Семенюк пулни ўғирлатиб хуноб бўлиб турганида Санжар Хидиров «Ишга юр», дея келиб қолади. Света ва онаси бўлган воқеани Санжарга тушунтиради. Бу ишни фақат Игор Морозов қилганлигини таъкидлайди. Шунда Санжар Светага «Юр, Игорнинг уйини менга кўрсат, у билан гаплашайлик», — дейди. Иккаласи 2001 йили 3 март куни Игор Морозовнинг уйига келишади. Буни судда Игор Морозовнинг ўзи ҳам айтиб ўтади. Игорнинг қўшнилари холаси Екатерина Афоняшина, Алёна Ўрмонова ва Светалар иштирокида у билан гаплашади. Игор пулни ўғирлаганини тан олмайди. Эртасига соат 14.00 ларда Санжар Хидиров ва Света Семенюклар яна пулни сўраб Игорникига келишади. Бу кун ҳам пулни ололмаган Санжар ва Света Игорни огоҳлантиради. Кечгача пулни топиб бермаса йигитчасига гаплашишини айтади. Ўғирланган пулни бўйнига олмаган ва қайтаришни хоҳламаган Игор Морозов боши қотиб шаҳар ички ишлар бошқармаси 4-милиция бўлинмасига қўнғироқ қилади:

— Мендан бир нотаниш киши катта миқдорда пул сўраяпти, — дейди у. Лекин Санжарнинг ҳам, Светанинг ҳам исм-шарифини тилга олмайди...

Кечқурун Санжар ишдан қайтаётиб дўстлари Умед Юсупов ва Улуғбек Қамбаровларни кўчада учратиб қолади. Ва уларни биргаликда бироз сайр қилишга, шаҳар айланишга таклиф қилади. Учовлон «Ёшлик» ўйингоҳи олдига келади. Бу ерда Санжарни Света кутиб турган бўлади. Улар эрталаб шу жойда учрашишга ва Игорникига боришга келишган бўлади. Уч йигит ва бир қиз Игор Морозовнинг уйи эшиги олдига келганда Санжар:

— Сенлар шу ерда туринглар, — дея Умед ва Улуғбекни кўчада қолдиради, ўзи Света билан Игорнинг уйига киради. Уйга биринчи бўлиб эшикни очиб Света киради. Бу ерда қандай босқинчилик бўлиши мумкин?! Санжар Игордан пулни топиб беришни қайта-қайта сўрайди. Шунда Игор:

— Как ты доказиш что я варовал, там же кроме мне много люди были, — дея жавоб беради. Санжар аччиқланиб Игорга бир неча бор мушт туширади. Оёғи билан тепади (Терговчи ёзганидек оёқ билан урилмайди, балки тепилади). Резина дубинка ҳам, ош пичоқ ҳам Игорнинг уйида бўлади. Терговчининг «кашфиёти» билан бу «совуқ» қуроллар «босқинчиларники» бўлиб қолганига ҳайронмиз. Уйдаги шовқинни эшитиб Умед, Улуғбек, Е. Афоняшина ва Алёна Ўрмоновалар киради. Е. Афоняшина «что за хулиганство, а ну убырайтес отсюда, быстро», дея уларни ҳайдайди. Санжар Улуғбекка «мана буларни олиб қўй», дея етти дона магнитофон кассетасини беради. Терговчияна учтани қаердан қўшди экан-а?! Устига-устак терговчининг магнитофон кассетасини, аудиовидео кассетага айлантирганига ҳам ҳайрон қоламиз.

Терговчи Санжар, Умед ва Улуғбек аввалдан тил бириктириб босқинчилик қилди, деяпти. Агар терговчи ҳақ, деб ўйласак Санжар Света билан аввалдан тил бириктираяпти-ку! Унда нега Света терговчи назаридан четда қолаяпти?! Нега у сўроққа чақирилмади?! Жавоблари айблов хулосасига киритилмади?! Қонун ҳамма учун баробар эмасми?!

Суд жараёнида айтишича суд раиси Тўлқин Эсонов:

— Йигитлар нима учун учовларингнинг ҳам бирламчи кўрсатмаларинг суддаги кўрсатмага тўғри келмайди? — деб сўраган. Айбланувчилар бирин-кетин бир хил:

— Ҳурматли раис! Бирламчи кўрсатмани биронтамиз ҳам ўз қўлимиз билан ёзмаганмиз ва ёзув бизники эмас. Шаҳар 4-милиция бўлинмаси бошлиғи муовини Шавкат Жамолов, бўлинма терговчиси Фурқат Маҳмудовлар айтиб турди ва бир ходим ёзди. Бизлар имзо қўйдик, дея жавоб беришибди. Бу ҳолатга аниқлик киритиш учун суд Ш. Жамолов, Ф. Маҳмудов ва тушунтириш хатини ёзган милиция ходимини судга чақириш керак эдику! Лекин ундай бўлмади. Қолаверса, суд ҳукми суд жараёнида аниқланган ҳолатлар бўйича эълон қилиниши керак эмасми?!

Эътибор берсангиз асосий воқеа-ҳодиса ва ҳолат ўн бир минг сўм пул устида бўлаяпти. Бу ҳолатни рэкет ва босқинчилик, деб таърифланишини қандай тушуниш керак?

Яна бир мулоҳаза. Терговчи айтганидек, рэкет ва босқинчиликка борган уч йигит ва бир қизнинг Игор Морозовнинг уйига кирганлигини Самарқанд шаҳар 4-милиция бўлинмасининг бир гуруҳ ходимлари четдан кузатиб туришган. Юқорида биз ҳикоя қилган воқеалар тугагач, яъни улар кўчага чиққач, милиция ходимлари «босқинчилар»га «эга» чиқишган. Ажабо, милиция жиноятнинг олдини олиши зарурми ёки томошабин сифатида кузатиб туриши керакми? Масалан, Игорнинг уйида ўша пайтда қотиллик содир бўлганда нима бўларди?..

Афсуски, биз журналист текшируви давомида дуч келган саволларимизга Самарқанд вилоят суди дуч келмаган чоғи Боғишамол тумани суди ҳукмини кассацион тарзда кўриб чиқиб ўз кучида қолдирди.

— Адолат ва ҳақиқат бўлишига ёрдам берингизлар-деб ёзади онаизор.

Биз ҳам кучни адолатда, деб биладиган судларимиз бу воқеага бефарқ қарамайдилар, деб умид қиламиз.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири**

«ЯНГИЙЎЛ ЁF-МОЙ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Улуғ неъмат — мамлакатимиз мустақиллигини 10 йиллик байрами муносабати билан ўзбек халқини самимий муборакбод этади!

10

Қадимий ва айни пайтда навқирон Ўзбекистонимизда ўн йил ичида улкан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар амалга оширилди. Кўҳна тарих учун қисқа муддат ҳисобланган давр ичида эришилган ютуқларда аҳил жамоамизнинг ҳам ҳиссаси катта эканлигини таъкидлаб ўтишдан бахтиёрмиз.

Зеро, Истиқлол туфайли ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш борасида анчагина ишлар қилинди. Айниқса, технологик жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасидаги ютуқлар эътиборга лойиқ.

Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш йўлида бундан буён ҳам камарбасталик қилаверамиз.

Ниятимиз шуки, юртимиз ҳамиша тинч, осмони мусаффо бўлсин. Оилаларда хотиржамлик, осойишталик ва фаровонлик ҳукм сурсин!

... Биз тарих майдонида кеча пайдо бўлган миллат эмасмиз. Аксинча, ўрта асрлардаёқ жаҳон цивилизациясига унутилмас ҳисса қўшган ва тафаккур осмонида юлдуздай порлаб турган буюк алломаларнинг ворисларимиз. Бинобарин, биз ана шу улуғ аждодларимизнинг шону шавкатига, ақлу заковатига, уларнинг ҳаётбахш, қутлуғ меросига ҳамиша муносиб бўлмоғимиз керак.

Ватанни — иймон билан севишда мумтоз боболаримиз анъаналарини мардона давом эттиришимиз, улар етолмаган тараққиёт чўққиларини эгаллашимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ.

ШАҲРИХОНЛИКЛАР

ОЧЕРК

Олимжон ХОЛДОР, Назиржон САИДОВ

Биз шаҳрихонлик замондошимиз Ўрмонжон Бозорбоев ҳақида ҳикоя қилишдан аввал ўтмишда шу заминда бўлиб ўтган тарихий бир ҳақиқатни айтиб ўтмоқни лозим топдик...

— Катта меҳмон бор, дарҳол етиб келинглар, — деган йўқлов, бизни анча безовта қилди. Нима гап эканлигини билиб-билмай, дарҳол кийиниб ойнаванд уч қаватли бино томон йўл олдик.

Азиз газетхон, Сиз Ҳамид Олимжоннинг «Роксананинг кўз ёшлари» деган балладасини кўп ўқигансиз. Шундай бўлса-да яна бир бор уни ёдингизга солмоқчимиз.

Уруш йиллари немис фашистлари Украинани босиб олгач, ерлик халқ иттифоқнинг турли шаҳарларига эвакуация қилинган эди. Булар орасида Роксана исмли аёл ҳам бўлиб, у тақдир иродаси билан тақсимотда Шаҳрихонга тушади. Унинг қўлида икки-уч ёшли Вова исмли ўғил бола ҳам бор эди. Очлик, совғинч, совуқ туфайли она-бола шамоллаб, бетоб бўлиб қоладилар. Роксананинг қўлидаги боласи касалланиб бир кечада ўлиб қолади. Роксана нима қилишни, кимга айтишни билмайди. Шаҳрихонда христианларнинг қабристони ҳам йўқ эди. Шунда у тун бўйи ўлик боласи Вовани бағрига босиб Шаҳрихон кўчаларида кўз ёшларини тўкиб, қайси уйга, кимга боришни билмайди ва ниҳоят шаҳрихонлик кекса одамлардан бирининг уйига ярим тунда кириб, кечган воқеани сўзлаб беради. Қария ҳам Роксананинг саволларига жавоб тополмай қабристон гўрковининг уйига аёлни етаклаб боради. Ярим тунда улар бир тўхтамга келадилар.

Гўрков норасида гўдакни мусулмонлар қабрига қўйса бўлаверишини айтади. Тонгда болани ювиб-тараб Камолтепа қабристонига олиб бориб дафн этадилар. Роксана боласи дардида яна баттарроқ шамоллаб қолади. Гўрков Роксанани ўзига қиз қилиб олади. Ўз уйидан унга жой беради. Ҳамид Олимжон балладасининг мазмуни ана шундан иборат эди...

Кейинги воқеалар ривожи генерал ва шаҳрихонликлар қисматлари билан боғлиқ. Айтишларича, кейинчалик Роксана дини исломни қабул қилган. Гўрковга қиз бўлиб, унинг хонадонида яшаган. Ҳатто исмини Раҳима деб ўзгартирган.

Орадан уч-тўрт йил ўтгач, Роксана — Раҳима ҳам сил касалига гирифтор бўлиб оламдан ўтган. Гўрков Роксанани ҳам ўғли Вовани ёнига қўйган.

Муҳтарам меҳмонимиз эса ўша Роксананинг эри, Вовани отаси эди...

Генерал йиллар давомида излаб-излаб, охири хотини ва ўғлининг изларини Шаҳрихондан топган эди.

Генерал бирдан бизга:

— Агар мумкин бўлса, ўша ўғлим ва хотиним ётган қабристонга олиб борсаларингиз, мумкин бўлса мен уларни зиёрат қилсам, — деди. Гўрков рози бўлди. Унга бизлар ҳамроҳлик қилиб Камолтепага йўл олдик. Йўқлик салтанатининг темир дарвозаси доим очиқ. Шоирнинг қуйидаги тўрт қатор шеъри хаёлдан кечди:

Сен бўлмасанг бу дунёда қандоқ қиламан,
Тотиб кўрдим кўз ёшларим аччиқдир, аччиқ.
Энди менга ҳамма эшик ёпиқ биламан,
Фақат кутар қабристоннинг эшиги очиқ.

Шу ерга келганда ҳаммамиз машиналардан тушдик. Генерал барчамизга кўзида ёш ила яна илтижо этди:

— Агар рухсат берсаларингиз мени бир оз ёлғиз қўйинглар ва мен жигаргўшаларим мангу Ватан этган ушбу муқаддас қабристонга юриб эмас, унинг тупроғини кўзга суртиб, ўпиб, эмаклаб бормоқчиман. Ахир бу ерда менинг фарзандим, хотиним ётибди.

Биз нима ҳам дердик, рози бўлдик. Генерал машинадан туша солиб ерни қучоқлаб ўпди ва кўз ёшлари хўл қилган ерни қучиб, эмаклаб қабристон сари кета бошлади. Ҳозир бу ҳолатни кўрган ҳар қандай бағритош одам ҳам йиғламай туролмасди. Гўрков бизни Роксана ва унинг ўғли Вова ётган жойга етаклади. Қуръони Каримдан тиловат қилди. Генерал эса кўкракларини кўз ёшлари ила хўл қилиб ҳамон йиғлаб, эмаклаб тупроққа беланиб биз ўтирган томонга келарди. Ниҳоят у ёнимизга етиб келди. Шунгача биз ҳам сукут сақлаб жим ўтирдик. Генерал хотини ва ўғли ётган қабрларни қучиб бор овози ила ўз она тилида алланарсаларни сўйлар, бетўхтов йиғларди...

Генерал бўлган воқеаларни Украинага боргач, ҳаммага сўйлаб берибди ва бир йил ўтмай Шаҳрихонга кўчиб келди. Узоқ вақт шаҳар марказидаги темирчилик устахонасида ишлади. Ўзбек тилини ўрганди. Дини исломга кирди. Яқинда у бандачиликни бажо этди, кўпчиликнинг илтимосига биноан уни ҳам Камолтепа қабристонига — хотини ва ўғли ётган қабрлар ёнига дафн этдилар.

Шаҳрихон халқи ана шундай бағри кенг, одамгарчиликни ҳам, меҳмондўстликни ҳам, кутиш ва кузатишни ҳам жойига қўя олади...

* * *

Шаҳрихон XIX аср бошларида, Қўқон хонлиги иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ривожланган бир пайтда, 1814 йили ҳассос шоира Нодирабегимнинг саъй-ҳаракатлари билан ташкил топгандир.

Шаҳрихон шаҳри ва Шаҳрихон сойнинг бунёд этилиши ҳақидаги ҳужжатлар ҳам жуда қизиқ. Мавзуимиз Шаҳрихоннинг тарихига алоқаси бўлмагани учун биз унинг ўтмишига тўхталмадик.

Шаҳрихон устоз пахтакорлар, етук олимлар, меҳнат қаҳрамонлари, жаҳонни лол қолдирган косиблар Ватанидир. Бу юртнинг 20 дан ортиқ фан доктори, 100 га яқин фан номзодлари бор.

1

Ўзбекистоннинг биринчи академиги Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқов, ЎзФА аъзоси Акмалжон Қосимов, таниқли олим Толибжон Худойбердиевлар ҳам шу юрт фарзандларидир. Шаҳрихон адиблар ва санъаткорлар юрти. Оразий, Ҳайратий, Тўхтасин Жалилов, Туйғун, Эркин Маликов, Ҳалима Қорабоева каби шоир ва ёзувчилар, Мукаррама Турғунбоева, Ойдин Норбоева, Ойдин Ғозиева, Баҳодиржон Маматхонов каби таниқли санъаткорлар ҳам Шаҳрихоннинг кўрки ва ғуруридир.

Юртбошимиз тилга олган — «Республикада ягона» мисдан сим ишлаб чиқарувчи «Волкар» ҳиссадорлик жамияти, «Ривож» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари, Олий Мажлис депутати Комилжон Отахонов кабилар эса бу юртнинг ифтихорларидир. Аслида бу эътирофлар нима учун?

Қаҳрамонимиз Ўрмонжон Бозорбоев сабаб Шаҳрихон ва шаҳрихонликлар ҳақида баъзи гапларни айтдик...

Ўрмонжон 1943 йил 21 апрелда Шаҳрихон туманининг Ваҳи қишлоғида туғилган. У ўрта мактабни битиргач, механизаторлар тайёрлаш курсини тугаллаб 3 йил тракторчи бўлиб ишлади. Сўнгра аскарликка чақирилди. Хизматдан қайтиб келиб, яна ўз касбини давом эттирди.

Андижондаги пахтачилик институтига уч марта ҳужжат топшириб киролмади, аммо у ниятидан қайтмади. Ниҳоят 1973 йил ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Андижон пахтачилик институтини олим-агроном мутахассислиги бўйича дипломини олишга муваффақ бўлди. 1988 йилдан ҳозиргача академик Саримсоқов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси вазифасида ишлаб келмоқда. У Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси, туман Кенгаши депутати. Ўрмонжон Бозорбоев ўзининг ташкилотчилиги, изланувчанлиги билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада юксалтириш соҳасида катта ишларни амалга оширди.

Ўрмонжон раҳбар бўлган хўжалик кейинги 10 йил ичида ўртамиёна хўжаликдан иқтисоди мустаҳкам ва бақувват хўжаликка айланди. Биргина 1999 йилнинг ўзида ширкат хўжалигида гектаридан 86 центнердан буғдой ҳосили йиғиштириб олинган бўлса, пахтакорлар йиллик режани мамлакатда биринчи бўлиб бажаришга эришдилар. Албатта, бу муваффақиятларда тиниб-тинчимас раис Ў. Бозорбоевнинг ҳам хизматлари бор. Буни таъкидлаб ўтмаса бўлмас...

Дарвоқе, у оилали, уч ўғил ва уч қизнинг отаси, Олий Мажлис депутати.

* * *

Андижон деҳқонлари азал-азалдан ташаббускор ва иш боши бўлиб келганлар. Катта йиғинларда, тўй-маъракаларда, беллашувларда бу юрт ҳеч қачон ўз сўзини бировга бермаган, ҳамиша ваъдасининг устидан чиқиб келган. Шу боис ҳам андижонликларни уста деҳқонлар, тадбиркор пахтакорлар, лабзи ҳалол, марду майдонлар деб айтадилар.

Андижон деҳқонининг бугунги дўврўғи тўла маънодаги пахтакорларга берилган мустақилликнинг ёрқин самарасидир. Аввалари пахта йиғим-терими 15-20 сентябрлардан бошланганини кўпчилик яхши билади. Энди Андижонда пахта терими августнинг 15-20 ларида бошланмоқда. Илгари йиллик режалар ёғинсочинда, йилнинг охирига бориб аранг уддаланар ёки очилиши қийин бўлган кўсаклар қор остида қолиб кетарди. Ҳатто декабрнинг охири, январнинг бошларида ҳам сандалларда ўтириб кўсак чувиганларни биламиз.

Бугун йиллик пахта тайёрлаш режаси августда бажарилибди, десалар ҳеч ким ажабланмайди.

Бундан 10 йил аввал бундай гапни айтсалар «Чўпчагингни қўйсанг-чи» дер эдилар. Бу ҳол бугун чўпчак эмас, аниқ ҳақиқат бўлиб юзага чиқяпти.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида 2000 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ учинчи сессияси ўз ишини бошлаган кунлар эди. Сессия раиси барча депутатлар диққатини қувончли бир воқеага қаратди. Ҳали мажлис очилмай, раислик қилувчи Эркин Ҳалилов депутат Ўрмонжон Бозорбоевга навбатдан ташқари сўз берди. Ҳамма ҳайрон. Депутатларнинг диққати минбар сари кетаётган ўрта бўйли, елкадор, бошига Андижон дўпписини кийиб олган, ғайрати шундоққина кўриниб турган кишида эди.

Депутат Бозорбоев сессия қатнашчиларига ўзи раҳбарлик қилаётган ширкат хўжалигининг меҳнат зафари ҳақида ҳисобот берганида ҳамма ўрнидан туриб, уни қарсаклар билан олқишлади.

Олий Мажлисдан бир олам қувончлар билан қайтиб келган раис, сессия таассуротларини ширкат хўжалигининг ҳар бир аъзоси билан ўртоқлашди...

Янги аср — 2001 йил бошларидаёқ ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлашга пухта ҳозирлик кўрди. 10 мартда ерга чигит қадалди.

— Мен деҳқон фарзандиман, — дейди тадбиркор раис Ўрмонжон Бозорбоев, — тақдиримни дала билан, одамлар билан боғлаганман. Ўтган деҳқончилик йилида биз узоқ йиллар мобайнида уддаланиши керак бўлган вазифаларни бажаришга эришдик. Ўн йил давомида қишлоқ хўжалигида содир бўлган беқиёс янгиликларнинг бевосита иштирокчисиман. Айни вақтда икки тузум давридаги фарқланишни ҳамма қатори кўз олдимга келтира оламан.

Қишлоқ хўжалиги тарихида шу пайтгача август ойида йиллик пахта тайёрлаш режаси бажарилганлиги хусусида гап бўлиши мумкин эмасди. Буни қарангки, хўжалигимиз мустақиллик байрами арафасида, аниқроғи, 29 августда пахта тайёрлаш бўйича йиллик режани бажарди. Ҳа, омадли деҳқонларимиз мамлакатда биринчи бўлиб маррага етдилар. Мавжуд 625 гектар майдонда кўзланган ҳосил етиштирилди.

Август ойи маррани уддалаш — бу тасодиф эмас, албатта. Худо хоҳласа, нафақат хўжаликлар, яқин-яқинларда туманлар, ҳатто вилоятлар ҳам августда ғалаба нашидасини сурадиган кунлар келишига шубҳа йўқ.

Истиқлол деҳқончиликда туб ўзгаришларга йўл очиб берди. Бу ўзгаришлар эса ислоҳотларни ҳаракатга келтирди. Ислоҳотларнинг барқарорлиги ва доимийлиги эса одамларнинг меҳнатларига муносиб тарзда манфаат келтиради. Шубҳасиз бу борада пахта етиштиришнинг Андижонча технологияси алоҳида аҳамият касб этганлиги сир эмас. Андижон технологияси кўп замонлардан буён сийқаси чиқиб кетган деҳқончиликдаги анъаналардан тамоман воз кечишнинг натижасидир.

2

Деҳқончиликда барча ихтиёр, ҳақ-ҳуқуқ деҳқонга берилганининг тантанаси бу. Ўтмишда пахтачиликдан хабари бўлмаган кимсалар юқоридан туриб буйруқлар берар, ҳатто қачон ерга чигит қадаш, қачон чопиқ ўтказиш, қачон озуқа бериш, қачон теримга тушишга қадар бўлган деҳқонга ёд бўлиб кетган тадбирларни айтиб турар эдилар.

Барибир ўшанда ҳам деҳқон қўрқа-писа бўлса-да ўз ишини қилган. Деҳқонча қилиб айтадиган бўлсак, ер билан тиллаша оладиган деҳқоннинг қўлларига ҳам, тилларига ҳам қулф ва кишан солган эдилар-да!

Мустақиллик энг аввало деҳқонга азалий ҳуқуқини қайтариб берди. Мустақиллик деҳқонга имкон берди, ер берди, эрк берди. Қандай уруғ танлашни, қачон экиш, қачон йиғиб олиш каби энг зарур имкониятларни қайтарди. Энди деҳқоннинг кўкрагига шамол тегди. Ана шу имкониятларнинг беқиёс самараси ўлароқ хўжалигимиз август ойининг охирларидаёқ маррага етди.

Плёнка остига чигит экиш деҳқончиликда ўз ўрнини топганлиги туфайли энди биз март ойидаёқ экин-тикин ишларини якунлашга одатландик. Эрта уруғ қадаб, эрта кўчат олиш ҳисобига ҳосилни барвақт етказиш йўлини қарор топтирдик.

3

Мустақиллик нашидасини нафақат бизнинг хўжалик, бошқа туманлар, хўжаликлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳосилни юқори нав билан тайёрлаш ҳам эрта экиш ва тикишга боғлиқ, деб ўйлайман. Ана шулар эвазига 110 миллион сўмдан ортиқ даромад қилдик. Даромад олишдаги ўсиш 140 фоизни ташкил этди...

Бугун хўжалик довруғини оширишда ибрат бўлаётган Кимсанбой Қодирқулов, Қодиржон Ғофуров, Азимжон Раҳимов, Сафарали Омонов, Обидахон Йўлдошева, Ҳидоятхон Маҳмудшоевларнинг беқиёс ғайратлари сабаб хўжалигимиз мамлакатда донг таратди.

Шундан кейин раис хўжалик тарихига тўхталиб, Олимжон Охунов, Мўминжон Ортиқов, Маҳпиратхон Мирзаева, Адҳамжон Тожибоев, Рўзихон Жўраева, Иброҳим Мадаминов каби устозларининг номларини фахр ва ифтихор билан тилга олди.

Хўжалик синов майдонида етиштирилган, эндиликда бошқа туманлар, вилоятлар хўжаликлари деҳқонлари ҳавас билан экиб мўл ҳосил олаётган «Армуғон» нави ва унинг селекционерлари ҳақида қизғин фикрлар айтилди. Бу серҳосил навнинг ташаббускори ва муаллифларидан бири аслида Шаҳрихон тумани ҳокими Муҳаммаджон Раззоқов эканлигини барча тан олди. Бироқ, ҳоким жаноблари камтарлик қилиб: «Ташаббус бизники бўлиши мумкин, аммо уни опичиб, вояга етказганлар бошқалар. Исмоил ака ва Фозил ака, Ўрмонжон Бозорбоев ҳамда Неъматжон Асқаровлар», — деди.

«Армуғон» навининг жонкуярларидан бири Ўрмонжон бу навнинг муаллифлари ва унинг келажаги ҳақида мароқ билан сўзлади. Хуллас, ҳар қандай хайрли иш кўпчилик билан кенгашилиб қилинганида яхши самара беришини ҳаётнинг ўзи кўп марта кўрсатгани рост.

Асли бу нав туман ҳокими М.Раззоқовнинг ғайрати билан Сурхондарё вилояти Кумқўрғон туманидаги «Беш қаҳрамон» жамоа хўжалигидан келтирилди. Дастлабки йили 550 гектар майдонга янги «Армуғон» навидан эккан «Бўстон» ширкат хўжалиги яхши натижага эришди. Ўша йили 500 тоннадан зиёд уруғлик тайёрланди ва Шаҳрихон туманидаги 9 хўжаликка шу нав экилди.

Деҳқонларнинг айтишича, «Армуғон» — камбағалнинг пахтаси. Унга озуқа ҳам, сув ҳам берилади. У ер танламайди, қўсакни кўп олади, кечроқ етилади. Режадаги ҳосил олинаверади. Вақтида сифатли ишлов берилса, чеканка қилинса, ҳар туп ғўзада 40-50 тадан кўсак олиш ва уни пишириб етиштириш мумкин.

Муҳаммаджон Раззоқовнинг айтишича, сув тақчил бўлган баъзи вилоят ва туманларда бу нав экилса, деҳқоннинг мушкулини осон қилади. Меҳнат аялмаса кифоя, «кўзланган» ҳосил олинаверади.

Хўжалик раиси Ўрмонжон Бозорбоев бу навнинг афзалликлари ҳақида сўзлар экан, яқин келажакда ширкатнинг ўз пахтачилик ва деҳқончилик музейи бўлажагини ҳам айтиб ўтди. Ўрмонжон музейда машҳур замондошларимизнинг китоблари, ёзган мактублари, селекционерларнинг кузатиш жадваллари, хўжаликка асос солган кишиларнинг суратлари қўйилишини айтди. У бизга академикнинг ўз қўли билан ёзган мактубларидан бирини кўрсатди.

«Ушбу мактубни топширувчи Ҳамдамбой менинг меҳрибон жияним, кўп йиллар мобайнида деҳқончилик билан шуғулланиб келмоқда. Иложи бўлса, Ҳамдамбой фойдаланаётган ерни ўзига қолдирсангиз.

Яна бир бор Сизга ва жамоа хўжалиги аъзоларига чин қалбдан раҳматлар билдираман.

Сизга саломатлик ва ишларингизга муваффақиятлар тилаб

Т. Саримсоқов».

Академик Саримсоқовнинг биз тўлалигича келтирган мактуби сўнгги хати эди. У киши орадан кўп ўтмай, 1995 йилда вафот этганлар.

Хўжалик раҳбари фақат деҳқончиликнигина эмас, хўжалик аъзоларининг маданий хордиқ чиқаришларини ҳам, қишлоқ ёшларининг интилишлари, фанга қизиқишлари, олий ўқув юртларида ўқишлари-ю, ёзувчиларнинг ижодлари, ҳатто ким қандай китоб ўқишини ҳам билади ва ўзи пахтачилик ҳақида мунозара қилишни жонидан ортиқ севади. Янги пахта навларини танлаш ва қандай фойдаланиш кераклигини, қўшни вилоятларнинг қайси хўжаликлари эрта пахта ҳосили олишининг сирларини ўрганиш учун келганидан тортиб бу ерда етиштирилган «Армуғон» навидан экиб вилоятда ном чиқарган Жалақудуқ туманидаги «Ёрқишлоқ» ширкат хўжалигининг раиси Юсуфжон Сотиболдиевнинг муваффақиятларигача билади.

Донгдор пахтакорнинг турмуш ўртоғи Маҳбубахон оддий деҳқон қизи. Бугун у нафақада. Фарзандлари Шуҳратбек, Улуғбек, Рустамжон, Маҳфузахон, Нодирахон ҳамда Латофатхонлар даврнинг муносиб ўғил-қизлари бўлишган. Улар қишлоқ хўжалиги, иқтисод, маънавият ва маориф соҳаларида хизмат қилмоқдалар.

Биз шаҳрихонлик деҳқон, тадбиркор, ишбилармон, Олий Мажлис депутати Ўрмонжон Бозорбоевнинг яратувчилик ишлари хусусида қисқача ҳикоя қилдик.

Шаҳрихонда мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида изланаётган бундай кишилар кўп.

4

ТИББИЙ БИЛИМ ВА САЛОМАТЛИК

Инсон соғлиги, турли касалликларнинг олдини олиш кўп жиҳатдан кишиларнинг тиббий билимларни қанчалик эгаллаганига ҳам боғлиқ.

«Абу Али ибн Сино» нашриётининг фаолияти халқимизнинг тиббий маданиятини шакллантириш, бу борадаги билимни кенг тарғиб ва ташвиқ қилишга қаратилган. Нашриёт томонидан кейинги йилларда чоп этилган «Уржуза», «Ёш оналарга шифокор маслаҳатлари», «Она ва бола таянчи», «Шарқона даволар» каби китоблар шу мақсадга хизмат қилади.

Нашриёт ишларининг ривожланишида халқаро ташкилотлар ва нуфузли тиббий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик яхши натижа бермоқда. Жумладан, АҚШ халқаро тараққиёт агентлигининг «Соғлиқни сақлаш ислоҳоти» лойиҳаси асосида «Тиббиёт ходимлари кутубхонаси» ташкил этилди. Андижон тараққиёт маркази ва CAFE (Осиёга беғараз ёрдам ташкилоти) билан биргаликда «Оммабоп тиббиёт қўлланмаси» босмадан чиқарилди.

Эътиборли томони шундаки, мазкур китобда турли касалликларнинг олдини олиш масалалари содда, тушунарли, оммабоп тарзда баён этилган, беморга биринчи ёрдам кўрсатиш, дори-дармонлардан тўғри фойдаланиш, кўп учраб турадиган касалликларни даволаш, оналар учун йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар берилган.

■ (Ўз мухбиримиз)

ОСОРИ-АТИҚАЛАР

ҚАДИМИЙ ПУЛЛАР ХАЗИНАБОНИ

Деновлик Ёқуб Муродов 30 йилдирки 84-мактабда тарих ва жамиятшунослик фанидан дарс бериб келмоқда. Бўш вақтини бехуда ўтказмайди. 40 йилдирки нумизматика билан шуғулланади. «Коллекциямда 40 мингдан ортиқ тангалар мавжуд, — дейди домла. — Бактрия, Кушон, Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Аштархонийлар даври...»

Юздан ортиқ давлатнинг мис ва кумуш тангалари узоқ тарихдан садо беради. Бу осори-атиқаларнинг ҳар биттаси бир олам. Коллекцияда Александр Македонский зарб эттирган тангалар ҳам бор. Унда сир-синоату биз билган ва билмаган тарих мужассам.

— Бу ҳаётимнинг яна бир бўлаги, — дейди у. — Варақлар қатида 105 давлатнинг қоғоз пуллари алоҳида-алоҳида тахланган. Пул муомаласи бошланганидан ҳозирги даврга қадар йиғилган 1 сўмликдан 1 миллионгача бўлган қоғоз купюралар.

Ўзига хос хазина орасида Россия империясининг 50 тийинлик қоғоз пули ҳам борлиги ҳайратланарли. Бундан ташқари, Туркия, Эрон, Афғонистон давлатларининг турли ҳажмдаги пуллари сақланмоқда.

Яна бир китобда эса қадимда чоп этилган 20 дан ошиқ заёмлар мавжуд. «Ёқуб Муродовнинг бу бебаҳо хазинаси ҳар қандай бойликдан ҳам устун, — дейди Самарқанддан келган тарихчи олим. — Мен сизга домла асраётган бир хумча ҳақида сўзлаб берай: қадим аждодларимиз ундан симоб сақлашда фойдаланишган. Симобдонга сув солса, қайта ерга тушмайди. Мана сизга сир... Устозда бундай хумча ва кўзалардан 40 дан ортиғи бор. Улар бизга Кушон давлатидан Амир Олимхонгача бўлган даврдан гувоҳлик беради».

■ А. ҲАЙДАРОВ

БАЙРАМОЛДИ АНЖУМАН

Республика Фанлар академияси тизимида, мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб, турли тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, 20 август куни юртимиз фанининг бош даргоҳида «Мустақил Ўзбекистон давлати халқимизнинг тарихий ютуғидир» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Уни ЎзР Фанлар академияси вице-президенти вазифасини бажарувчи Т.Мирзаев кириш сўзи билан очди. Фалсафа фанлари доктори А.Жалолов «Мустақил Ўзбекистон: шаклланиши, ривожланиши ва истиқболларининг фалсафий жиҳатлари», сиёсатшунослик фанлари номзоди Н.Жўраев «Ўзбекистон давлати тарихий-сиёсий, ижтимоий қадрият сифатида», иқтисод фанлари номзоди М.Нарзиқулова «Мустақил Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар: ютуқлар, муаммолар ва истиқболлар», тарих фанлари доктори А.Голованов «Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви – тарихий қонуният» мавзуларида маъруза қилдилар. Анжуманда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришганлиги кутилмаган ёки тасодифий ҳол бўлмай, балки халқимизнинг ўз озодлиги учун олиб борган кўп асрлик курашининг мантиқий якуни, истиқлол даври, ўз мазмун-моҳияти билан асрларга татигулик йиллар эканлиги, ушбу қисқа муддатда тиклган суверен Ўзбекистон Республикаси халқаро майдонда обрў-эътибор орттиргани ҳақидаги, далилларга асосланган, илмий хулосалар баён этилди. Бу соҳадаги илмий тадқиқотларни давом эттириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

■ С. ШЕРАЛИЕВ

ЯНГИ ЛИНИЯ ШАЙ

Айтиш жоизки, саноат шаҳри Навоий аҳолисининг ҳар учдан бири кимёгар ҳисобланади. Шу боис «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси тарихига яна бир сана зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган бўлди. Бирлашма бош директори Х. Фармоновнинг айтишича, республика мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида бу ерда каустика кукуни ишлаб чиқариш технологияси шай ҳолга келтирилди. Яъни асосий технологик линияларга мураккаб ускуна ва дастгоҳлар ўрнатилиб, уларни синовдан ўтказиш ишлари ниҳоясига етказилди. Ҳадемай бу линия ҳам ўз маҳсулотини бера бошлайди. Замонавий асбоб-ускуналардан таркиб топган бу учта технологик линия ишга тушиши натижасида тиббиёт учун зарур бўлган натрий гипрохлорид ишлаб чиқарилади. Каустика кукуни ишлаб чиқариш жараёни компьютер ёрдамида атиги 2 оператор томонидан бошқарилади. Таъкидлаш жоизки, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда ўзининг яна бир собит қадамини қўйди.

■ Ўткир ПЎЛАТ

«БУХОРО ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»
акциядорлик уюшмаси жамоаси

Жаннатмакон Ватанимизда яшаётган барча миллат вакилларини энг улуғ, энг азиз ва энг муборак байрамимиз — Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн йиллиги билан чин юракдан табриклайди.

Яратганнинг назари тушган бу ўлка кўҳна тарих учун жуда қисқа бўлган даврда мисли кўрилмаган даражада гуркираб ривожланди. Хусусан, қадимий Бухорои Шарифни олайлик. Бу ерда асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилдики, унга ҳатто ривожланган хорижий мамлакатлардан келган сайёҳлар ҳам қойил қолаётир. Турли қўшма корхоналар, завод ва фабрикалар ҳам кўплаб рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариб, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга муносиб улуш қўшаётирлар.

Хусусан, дон маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ҳам муайян ютуқларга эришилди. Шуни қувонч билан таъкидламоқчимизки, ғаллакорларимиз бу йил мисли кўрилмаган катта хирмон уйдилар. Айни пайтда халқимизга ана шу дондан кўплаб ун ва ун маҳсулотлари етказиб беряпмиз. Демак, юртимизда неъматлар султони — нон сероб бўлади.

Мустақил Ватан тараққиёти учун ўз ҳиссасини аямаётган ўзбекистонликларнинг барчасига тинчлик, осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

УЧРАШУВ

ҚЎШИҚ МИЛЛИЙ РУҲНИ ЎСТИРАДИ

Ойпопук Эшонхонова Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида туғилган. Тошкент давлат педагогика институтини ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича имтиёзли тамомлаган. «Азизим», «Акажоним», «Севмайсиз», «Тангрим-а», «Дунё» каби қўшиқлари билан мухлислар эътиборини қозонган. «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика қўшиқлар кўрик-танлови гран-при соҳибаси. Ҳозирда Республика ИИВ қошидаги «Турон юлдузлари» ансамблида фаолият кўрсатмоқда.

— Устоз-шогирдлик ҳар соҳада бўлгани каби санъатда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фалончи хофизнинг шогирди деб алоҳида урғу бериб айтилиши ҳам бежиз эмас. Сиз санъатда кимларни ўзингизга устоз деб биласиз?

— Ўзбекистон халқ артисти Саодат Қобуловани устозим деб биламан. Саодат опадан қўшиқчиликнинг сир-асрорини ўрганяпман. Қолаверса, Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмонова каби халқимизнинг севимли қўшиқчиларининг ижодига ҳавас қиламан, уларнинг қўшиқ айтиш маҳоратларини ўрганаман.

— Бирор санъат даргоҳида ўқимаганингиздан афсусланмайсизми?

— Менимча, ҳаётнинг ўзи катта санъат даргоҳи. Қолаверса, мен кўпроқ устозларимдан ўрганишга ҳаракат қиламан. Касбим эса қилаётган ишимни жиддийроқ таҳлил қилишга, танқидий ёндашишга ёрдам беради. Санъат даргоҳларига мени таклиф этишган. Умуман олганда, ўқитувчиларим қўшиқ айтишимни ёқтиришарди. Жуда шўх бўлганимдан мени эртароқ опамга қўшиб мактабга бериб юборишган. Мактабда ўқиб юрган вақтларимда туманлараро, вилоятлараро танловларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб юрардим. 15 ёшимда менга Москвада бўлиб ўтган 12-Жаҳон қўшиқ фестивалида иштирок этиш учун йўлланма беришган эди. Лекин бора олмаганман. Мактабни битирганимда Тошкент давлат консерваториясига ҳам йўлланма олдим. Бунга ҳам боролмадим. Бу ёғини сўрасангиз Тошкент маданий оқартув техникумига ҳам йўлланма бор эди. Аммо опамларга эргашиб, педагогика институтига кириб олдим. Бироқ, ҳали педагог бўлиб ишламаганман. Ростини айтсам, ҳисобчилик қилган пайтларим ҳам бўлган. Санъат даргоҳида ўқишни хоҳлардим. Негаки, устозим Саодат Қобулованинг ҳузурига борганимда ундан ҳали кўп нарса ўрганишим кераклигига, санъатда ҳали мен кашф этмаган қирралар кўплигига амин бўламан. Шу соҳага дахлдор эканман, ўз ишимга бефарқ қарай олмайман.

— Мухлис ҳар қачон яхши қўшиқдан ҳузурланади. Аммо ижро этилаётган қўшиқларнинг ҳаммасини мухлисларга ёқади, деб бўлмайди. Баъзан яхши шаклланмаган, мазмуни саёз қўшиқлар учраб турадики, улар мухлисларнинг маънавий дунёқарашига, санъат ҳақидаги тушунчасига салбий таъсир этади.

— Фикрингизни тушундим. Устоз санъаткорлар Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султоновларнинг сеҳрли овозлари, улар ижро этган пурмаъно қўшиқлар улкан меросга айланган. Ўша вақтларда авжи бўлмаган қўшиқлар қўшиқ ҳисобланмасди. Назаримда, санъатни тушунган одам учун бу табиий ҳол. Ҳозирги қўшиқлар нари борса тўрт пардада айтилади. Ўзгани қўшиғини кўчириш, ҳиндча, арабча, туркча мусиқаларни ўзлаштириш ҳолатлари учраб туради. Бу қўшиқчиликка мос келмайди. Ғарбга тақлид қилиш ҳам маъқул эмас. Қолаверса, санъатда ҳар бир инсоннинг ўз овози, сози бўлиши керак. Қўшиқ доимо миллий мусиқа ва сўз орқали миллий руҳни акс эттириши лозим.

Эътибор қилган бўлсангиз, кимнинг қўшиғи шўх ва ўйноқи бўлса, ўша машҳур бўлиб кетяпти, ундаги мазмунни ҳеч ким мушоҳада қилмайди. Бу ачинарли ҳолат, албатта. Айниқса, ёшлар уни шундайлигича қабул қилади ва унинг назарида сиз айтгандай «зўр қўшиқ»қа айланади. Бироқ, санъат маънисиз сўзларни такрорлашу беўхшов ўйинларни ижро этишдан иборат эмас-ку! Бунинг моҳиятини ёшлар тушуниб етармикан?! Яширмайман, ўзимнинг ҳам бир-иккита шўх, ўйноқи қўшиқларим бор эди. Тўй ёки байрам тадбирларида ижро этиб қолсам, ўша қўшиқларга таклиф тушаверарди. Шундай жойларда ўзимни ноқулай ҳис қиламан. Биз ёш қўшиқчилар доимо ўз ишимизга танқидий ёндашмоғимиз, камчиликларни тузатиб бормоғимиз керак.

— Бундай ҳолатни содир этишда кимнинг ҳиссаси кўпроқ деб ўйлайсиз. Мухлисними ёки...

— Мухлис санъаткор олдига талаб қўйишидан олдин ҳақиқий санъат қандай бўлишини билиши керак. Агар мухлис бундай талабни қўймаса, унда санъаткор ҳақиқий санъатни кўрсата билиши керак. Бордию санъат даромад манбаига айланса, у ҳалок бўлади. Шунинг баробарида мухлисни ҳам шикастлайди.

— Ўз қўшиқларингиздан қониқасизми?

— Баъзан қониққандай бўламан. Халқона миллий қўшиқ яратдим, деб ўйлайман. Лекин шунда ҳам эътирозлар бўлаверади. Тўғри, инсонлар кўнглига мос келадиган қўшиқлар яратиш осон эмас. Санъаткорнинг ўз йўлини топа олиши ундан-да мушкул.

Санъаткор яшаши учун уни ҳар дам безовта қилиб турадиган эътирози бўлиши керак. Қониқиш эса ишдаги ҳаракатларга нуқта қўйиши мумкин. Ҳақиқий санъатга интилиб яшаган одам доимо шуни ёдда тутиши лозим.

■ **Суҳбатдош: Ирода АСИЛБЕКОВА**

ИЖОДКОРЛАР БЕЛЛАШАДИ

Мана бир неча йилдирки, «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари ижодкорлар ўртасида мини-футбол бўйича анъанавий мусобақалар уюштириб келмоқда. Турнирнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда республикамизда фаолият кўрсатаётган ОАВларнинг журналистлардан иборат жамоалари ўзаро куч синашишади.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган анъанавий мусобақада бу гал 15 та жамоа қатнашиш истагини билдирган.

Бугун пойтахтимиздаги «Истиқлол» ўйингоҳида турнирнинг дастлабки ўйинларига старт берилади. Жамоалар баҳсларни тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда олиб боришади. Ўйинлар 28 августга қадар давом этади. Мусобақаларда барча ижодкорларга омад тилаймиз.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

БУХОРОДА ҚОВУН САЙЛИ

Сомонийлар боғида байрам муносабати билан анъанавий «Табаррук замин саховати» қовун сайли бошланди. Тикланган қадриятларимиздан бири бўлган бундай сайл бешинчи марта ўтказилмоқда.

— Уни ўтказишдан мақсад, — дейди сайл иштирокчилари ғолибларини аниқлаш ҳайъати раиси, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси Юсуф Қурбонов. — Бухоро заминида етиштирилган, аммо турли сабаблар билан йўқотилган навларни тиклаш, уруғчиликни ривожлантиришдир. Маълумки, вилоятимизда илгари қовуннинг 150 нави етиштирилган. Ҳозир эса унинг 60 тури қайта тикланди. «Бўрикалла», «Олабўрикалла», «Барчиной», «Хўжа Мурод», «Аравакаш-1219», «Кўктилла», «Оқуруғ», «Фестиваль» навлари эса мустақиллик йилларида яратилди.

Уч кун давом этадиган қовун сайлидан шаҳарликлар баҳраманд бўлибгина қолмай, ғолиб миришкорларни мукофотлар билан олқишлайдилар.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

АФОРИЗМ

Гўзаллик туйғусини сингдирмай туриб, баркамол инсонни вояга етказиб бўлмайди.

Робиндранат ТАГОР

ХИТОЙ АҚШни ОРҚАДА ҚОЛДИРДИ



Хитойликлар АҚШни уяли телефондан фойдаланувчилар сони жиҳатидан анча орқада қолдирди. 2001 йил июль ойига нисбатан олинган статистик маълумотларга қараганда, Хитойда 120.6 миллион аҳоли ушбу алоқа воситаларидан фойдаланар экан. АҚШда эса бу кўрсаткич 120.1 миллионни ташкил этади. Бу маълумотлар шуни англатадики, охирги 1 йил ичида Хитойда уяли алоқа воситаларидан фойдаланувчилар сони 40 фоизга ўсган.

Мутахассислар бундай юқори ўсиш суръатини, Хитойда уяли алоқа хизматини кўрсатувчи компаниялар ўртасидаги рақобатнинг ўсиши натижасида фойдаланиш нархларининг пасайиши ҳамда тўлов шартларида яратилган имтиёзларни сабаб қилиб кўрсатишмоқда.

Ўз навбатида Nokia, Motorola ва Ericsson компаниялари маркетинг хизмати мутахассислари ҳам Хитой — энг кўп уяли алоқа воситалари бозорига айланганини тан олишмоқда. Ҳозирги кунда жаҳон бозорида сотилаётган барча шу турдаги маҳсулотларнинг деярли учдан бири шу минтақага тўғри келар экан.



Хитой ҳукуматининг таъкидлашича, агар талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат шу тариқа давом этадиган бўлса, йил охиригача абонентлар сони яна 80 миллионга кўпайиши, 2005 йилга бориб эса бу кўрсаткич 260 миллионни ташкил этиши мумкин. Бу ҳар беш нафар хитойликдан бири уяли телефондан фойдаланади, деганидир.

Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги вақтда уяли алоқадан фойдаланувчилар сони, Internet сайтига эга бўлганлар миқдори ҳамда шу каби замонавий технологияларнинг аҳоли жон бошига нисбати ўша мамлакатнинг ривожланиш даражасини ҳам белгилаб бермоқда.

Шу кўрсаткичга қараб баҳо берадиган бўлсак, ҳар 10 америкаликнинг 6 нафари, Европа аҳолисининг эса тенг ярми уяли алоқа воситасидан фойдаланади.

КИМНИНГ МИЯСИ ОҒИРРОҚ?

Соғлом одамларда миянинг оғирлиги 1020 граммдан 1970 граммгача бўлади. Эркаклар мияси аёлларникига нисбатан 100-150 грамм оғирроқ. Алоҳида ирқлар ўртасида мия оғирлиги бўйича кескин фарқлар йўқ. Африкаликлар миясининг ўртача оғирлиги — 1316 грамм, европаликларники — 1361, шу жумладан, немисларники — 1391, швейцарияликларники — 1327, русларники — 1377 граммдир. Японлар миясининг оғирлиги 1374 грамм бўлса, бурятларники ҳатто 1508 грамм келар экан.

МАҚСАДИНГИЗГА ЭРИШИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Бунинг учун Эльберт Хаббарнинг ушбу маслаҳатларига риоя қилинг.

Ҳар куни эрталаб уйдан чиққанингизда даҳанингизни кўтаринг, бошингизни баланд тутинг ҳамда ўпкангизни охиригача ҳаво билан тўлдиринг; қуёш нуридан мириқиб баҳра олинг; дўстларингизни жилмайиш билан олқишланг.

Сизни нотўғри тушунишлари мумкин, дея қўрқманг. Бир дақиқа бўлса ҳам душманларингиз ҳақида ўйлаб вақтни бекор ўтказманг. Нима қилмоқчилигингизни дастлаб аҳлан узил-кесил ҳал қилиб олинг. Амалга оширмоқчи бўлган буюк ҳамда яхши орзулар ҳақида ўйланг ва шунда сиз вақт ўтиши билан ўз хоҳишингизни рўёбга чиқаришга зарур бўладиган имкониятлардан ўзингиз билмаган ҳолда фойдаланаётганингизни сезасиз.

Фикран ўзингиз истаган истеъдодли, жиддий ва омадли одамнинг сийратини хаёлан чизинг. Фикрларингиз соатма-соат сизни худди шундай одамга айлантира боради. Фикр энг катта кучдир. Тўғри фикрлаш — яратиш демакдир. Ҳар бир нарса хоҳиш орқали амалга оширилади. Юракларимиз буюрган ишларни қилайлик. Бошимизни ғурур билан баланд кўтарайлик.

КУЛГИ — УМР ЗИЙНАТИ

Аскар хат олди.

— Кимдан экан? — сўрайди хизматдоши.

— Хотинимдан.

— Ие, топ-тоза варақ-ку.

— Биз бир-биримиз билан гаплашмаймиз.

☺☺☺

— Доктор, нега анализларим ёмон?

— Улар учун қанча тўлагандингиз?

— Ҳар бирига беш долларлардан.

— Яхши анализ икки баробар қиммат туради...

Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги 6-ўрта мактаб томонидан 1984 йилда Мамашукуров Мардон Сатторович номига берилган Г. № 249936 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Сирдарё вилоятидаги «Пармасервис» масъулияти чекланган жамиятининг бурчак штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

INTER - SPORT

ШУМАХЕР ЯНА ЧЕМПИОН



Шанба куни «Хунгария» Гран При автопойга мусобақаси якунланди. Бунда афсонавий автопойгачи Майкл Шумахер яна бир бор ғолиб бўлди. У белгиланган масофани 3.363 секундда босиб ўтди. Шумахер бу гал ҳам такомиллашган «Ferrari» автомобилидан фойдаланди.

РАҲМОН ЖАНГГА ТАЙЁР



Оғир вазнлилар тоифасидаги бокс бўйича жаҳон чемпиони Ҳасим Раҳмон 17 ноябрда АҚШнинг Лас-Вегас штатида британиялик Люис Леннокс билан қайта рингга тушади. Сабаби, апрель ойида Раҳмон ва Люис ўртасида чемпионлик учун жанг бўлиб ўтган эди. Лекин ҳакамлар бу жангда ким ғолиблигини аниқлолмай қолганди. Узоқ тортишувлардан сўнг суд Люисни ғолиб топди. Аммо суднинг қарорига Раҳмон норозилик билдириб, Люисни яна жангга таклиф қилди.

КУБОК СОҲИБАСИГА АЙЛАНДИ

Серена Виллиам ўтган ҳафта якунланган «Рогерс АТ&Т» кубоги учун бўлган теннис мусобақасида Женнифер Каприатини 6:1, 6:7, 7:3 ҳисобида мағлубиятга учратди ва кубок соҳибасига айланди. Серена учун бу кубокни олиш осон кечмади. Сабаби ўйин давомида ёмғир тинмай «савалаб» турди.

ҲИМОЯЧИЛАРНИ ТАНҚИД ҚИЛДИ

Англия чемпионати учун «Олд Трафорд» стадионида «Фулхам» ҳамда «Манчестер Юнайтед» футбол жамоалари ўртасида ўйин бўлиб ўтди. Ўйин «Манчестер Юнайтед»нинг 3:2 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Кўпгина жамоалар «Манчестер Юнайтед»нинг бу ғалабасидан сўнг бу жамоа билан бўладиган ўйинга ўйланиб-роқ қолишди. Жамоа мураббийи Алекс Фергюссон бўлиб ўтган ўйинни таҳлил қилар экан, ҳимоячиларни кескин танқид қилди, аммо ҳужумчи Руд Ван Нистелрой ўйинларига юқори баҳо берди. «Фулхам» дарвозасига киритилган икки тўп муаллифи Нистелрой бўлди. 19 миллион АҚШ доллари қийматида сотиб олинган бу ўйинчи янги клуб шарафини муносиб ҳимоя қилди.

■ **Юнус БЎРОНОВ тайёрлади**

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2602

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

ПРОСПЕКТ ЭМИССИИ ОАО «УЗХИМПОЛИМЕРТОРГ»

Зарегистрирован территориальным отделом Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг по г. Ташкенту на основании протокола общего собрания АО «УЗХИМПОЛИМЕРТОРГ» от 5.05.2001 года и приказа ГКИ РУз № 170к-ПО от 15 июня 2001 года Проспект эмиссии АО «Узхимполимерторг» № Q 0249-5 от 31 июля 2001 года.

Основные сведения об эмитенте

Акционерное общество оптово торгово-посредническая фирма

«O'ZKIMYOPOLIMERSAVDO»

Расположено по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, ул. А. Ахматовой, 7

Расчетный счет: № 20210000900119704001 в Сергелийское ПСБ г. Ташкента МФО 00403.

Сведения о предстоящем выпуске ценных бумаг.

Общий объем выпуска 19800 сум.

Выпускаемые ценные бумаги 66 простых именных акций

Номинальная стоимость одной акции 300 сум

Гос доля	Доля трудового коллектива	Доля свободной продажи и иностранных инвесторов	Доля гос. активов для свободной продажи
25 %	10%	63,3%	1,7%
8133,6 тыс. сум	3256,8 тыс. сум	20591,7 тыс. сум	552,0 тыс. сум
27112 шт.	10856 шт.	68639 шт	1839 шт.
		Полностью размещены	

Общее количество акций 108446 шт.

Новый уставной фонд общества 32533800 сум.

Наблюдательный Совет АО